

## **ОМХ факультетининг 20 йиллиги: амалга оширилган ислохотлар, истиқболли режалар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Республикада Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури туғрисида»ги ПФ-2107-сонли фармонида асосан, Республикадаги барча тиббиёт институтларида 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб, «Олий ҳамширалик иши» йўналиши бўйича Тиббиёт Институтларида «Олий малакали ҳамширалар тайёрлаш» бўлимлари фаолият кўрсата бошлади.

1999 – 2000 ўқув йилидан бошлаб, Биринчи ва Иккинчи Тошкент тиббиёт институтларининг Тиббий педагогика факультетининг қошида «Олий малакали ҳамширалар тайёрлаш» бўлимлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 июль 2005 йилдаги № ПФ – 3629 сонли фармонида кўра бекор қилинган Биринчи ва Иккинчи Тошкент тиббиёт институтлари асосида Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилиши муносабати билан таянч олий таълим муассасаси сифатида «Олий маълумотли ҳамшира» факультети ташкил этилди.

Ҳозирги кунда Тошкент тиббиёт академияси ва тиббиёт институтларининг «Олий ҳамширалик иши» бўлимларида анестезиология ва реанимация, хирургия, акушерлик ва менежмент йўналишлари бўйича 3500 дан зиёд олий маълумотли бакалавр ҳамширалар тайёрланди, 100 нафардан ортиқ ҳамширалар магистр даражасига эга.

Ўтган давр ичида Тошкент тиббиёт академиясида 1359 та бакалавр, 55 магистр тайёрланган. 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб иккинчи мутахассисликга 15 нафар битирувчилар тиббиёт институтларига даволаш иши, фармация, стоматология йўналишларига ўқишга кирган.

Бугунги кунда даврнинг янгиланиш ва ўзгаришлари мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида, хусусан, таълим соҳасини жаҳон илму фан андозаларига мослаштириш, ўқув тизимида илғор педагогик технологияларни жорий этиш талабини янада кучайтирмоқда. Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалар, дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари замон талаблари даражасида такомиллашиб бормоқда. Охириги йилларда бир неча марта “Олий ҳамширалик иши” йўналиши бўйича ДТС кайтадан кўриб чиқилди ва улар асосида намунавий ўқув режалари тайёрланди. ТТА кафедраларида олий маълумотли ҳамширалар тайёрлашга мослаб, меъёрий хужжатлар, ўқув-услубий адабиётлар яратилмоқда, янги педагогик ва инфорацион технологиялар ўқув жараёнига жадал киритилиб борилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда факультет талабаларига ўтиладиган барча фанлар бўйича Япониянинг Нагоя, Токио, Кореянинг Сеул, Германиянинг Гейдельберг, Англиянинг Кембридж, Империял унверситетлари дастурига мослаштирилган ҳолда янги календар тематик режалар, намунавий дастурлар, маъруза матнлари, презентациялар, дарсликлар тайёрланган ҳамда 2017-2018 ўқув йилидан ушбу материаллар асосида ўқитиш олиб борилмоқда.

ОМХ факультетида барча клиник фанлар 50/50, яъни 50% назарий ва 50% амалий ўқитиш йўлга қўйилган. Бу эса талабаларга аудиторияда муляжлардан фойдаланилган ҳолда ўргатилган амалий кўникмаларни бевосита клиник базаларда, ўқитувчи назорати ва тажрибали ҳамшира раҳбарлигида, беморлар билан мулоқотда бўлиб мустаҳкамлаш имкониятини беради.

ОМХ факультетида ўқув жараёни янада яхшилаш мақсадида “ОМХ ўқув маркази”да дарс жадвали асосида маъруза ва амалий машғулотлар ўтказилмоқда. Марказда талабаларга беморларни малакали парвариш қилиш бўйича амалий кўникмаларни ўргатиш, ОМХга тегишли клиник кафедралар орасида интеграциялашган ўқитишни амалга ошириш, талабаларга дарсдан кейин кутубхонада, компьютер залида тайёргарлик кўриш, якуний назоратнинг клиник қисмини ўтказиш учун ҳамма шароитлар яратилган.

ОМХ факультети талабалари ўқиш давомида 3 даражали билимга эга бўлиши керак. 1 – даража – гуманитар билимлар, 2 – ҳамширалик жараёни асослари, 3 – ихтисослик фанлари бўйича.

Талабалар ҳамширалик жараёни асосларини Ҳамширалик иши кафедрасида ва бошқа клиник кафедраларда ўрганади. Ушбу кафедраларда олган билимларини, ўзининг қизиқишларига, қолаверса, олийгоҳга кириш мақсадларига кўра талабалар 3-курсда мутахассисликни танлашади. ССВ буйруғига асосан ОМХ факултети талабалари 4 мутахассислик, яъни менеджмент, акушерлик, хирургия, анестезиология ва реанимация йўналишлари бўйича тайёрланади. Ушбу ўқув йилида қуйидаги мутахассисликлар бўйича гуруҳлар шакллантирилди: Акушерликда ҲИ – 5, Анестезиология ва реанимацияда ҲИ – 3, Хирургияда ҲИ – 2, Менеджмент – 1 та гуруҳ, бундан ташқари ҳамма гуруҳлар педагогика бўйича тиббиёт коллежларида амалиёт ўташади.

Мутахассислик кафедраларида (ҳамширалик иши, хирургия, анестезиология ва реанимация, акушерлик ва гинекология, менежмент, педагогика) талабаларни амалий тайёрлаш даражаси, уни малака таснифига мослиги кўриб чиқилди.

Ўқув жараёни цикл тарзда олиб борилади, 50% назарий ва 50% амалий дарс ўтилиши, дарс жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш, инглиз тилини жорий этиш йўлга қўйилган. Асосий эътибор мустақил ишларга қаратилган, чунки умумий ўқув юкламанинг 1/3 қисмини ташкил қилади. Кафедраларда фанлар бўйича ўқув-услугий мажмуалар ҳамда электрон модуллар мавжуд бўлиб, мутахассислик кафедраларида амалий кўникмалар олий маълумотли ҳамшиларни тайёрлашга қўйилган малака талаблари асосида ишлаб чиқилган.

Мутахассислик бўйича назарий қисм кафедраларда, амалиёт қисми эса базаларда, яъни ТТА кўп тармокли клиникасида, Шаҳар шошилинич тез тиббий ёрдам клиникасида, Олмазор ва Шайхонтохур туманида жойлашган поликлиникаларда, Олмазор ва Б.Ф.Боровский номидаги тиббиёт коллежларида ўтказилади.

Факультет битирувчиларининг деярли ҳаммаси ишга жойлаштирилган. 2018-2019 ўқув йили битирувчилари мисолида кўрадиган бўлсак, 2 нафари Давлат санитария эпидемиология назорати марказига, 20 нафари тиббиёт коллежларига, 65 нафари турли ДПМларга (шундан 12 нафари ҚВП) ишга жойлаштирилган ва фаолият юритиб келишмоқда.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда факультет деканати ва кафедралар олдидаги муҳим вазифалар:

- Мутахассислик кафедраларида битирувчи курс талабалари учун ОМХ малака талабларига мос ўқув-услубий хужжатлар, адабиётлар яратилиши;

- ОМХ ўқув маркази кутубхонасини дарслик, ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар билан мунтазам бойитиб бориш;

- Мутахассислик кафедралари халқаро грантлар орқали чет элдаги турдош факультетлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;

- Мутахассислик кафедраларида асосий эътибор талабаларни беморларга юқори малакали парвариш қилиш кўникмаларини ўргатишга қаратилган бўлиши керак;

- 1-курсга қабул қилинган талабаларнинг инглиз тили ва компьютер технологиялари бўйича билим даражасини оширишга қаратилган чоратadbирларни ишлаб чиқиш;

- Факультет битирувчилари ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашишини доимий мониторингини олиб бориш. Шу билан бирга, уларнинг билим ва кўникма даражасини ДПМ ҳамда тиббиёт коллежлари раҳбарлари билан биргаликда доимий таҳлил қилиб бориш.

**Факультет декани**

**Ш.Х.Бакиева**